Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 23 июнь, № 129 (8472) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги тарихий ва маданий муштараклик мамлакатларимизни бир-бирига яқинлаштирадиган омиллардан бири. Халқларимизнинг қадимий ва бой тили, тарихи, урф-одатлари билан ислом дунёси ва халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрни бор.

Эрон Ислом Республикаси Президенти бошчилигидаги делегациянинг 2022 йил сентябрида мамлакатимизга расмий ташриф билан келиши, жорий йил 18 июнь куни эса Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг расмий ташриф билан ушбу давлатда бўлиши ўзаро алоқалар тарихида янги даврни бошлаб берди. Ва ушбу ташриф давомида эришилган келишувлар икки томонлама алоқаларни кенг қамровли ҳамкорлик даражасига кўтарди.

Биз ва жаҳон

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий томонидан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида имзоланган Қўшма баёнотни, шунингдек, Ҳукуматлар ўртасидаги имтиёзли савдо тўғрисидаги битим, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Эрон Миллий стандарт ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик дастури, технологиялар ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Ҳаракатлар режаси, қўшма эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, фармацевтика, транспорт ва транзит соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар, спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси, низоларни ҳал этиш ва арбитраж тўғрисида англашув меморандуми, қайта суғурталаш соҳасида ҳамкорлик бўйича факультатив битимни икки давлат тараққиётига хизмат қилувчи эътиборга молик аҳдномалар сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур келишувлар, биринчидан, савдо-иқтисодий соҳада ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг барқарор ошишига, мамлакатларимизнинг транспорт-транзит коммуникацияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ишбилармонлик алоқаларининг фаоллашуви ва юк ташишларнинг ортиши кафолатидир. Иккинчидан, давлатларимиз ўртасида инновациялар, сунъий интеллект, нанотехнологиялар, кибернетика, технологиялар трансфери каби соҳаларда тажриба алмашиш кўлами кенгаяди.

Ўзбекистон ва Эроннинг 200 дан ортиқ тадбиркорлари иштирокида ўтказилган Ўзбекистон — Эрон бизнес форуми натижалари ҳам таҳсинга лойиқ. Негаки, тадбиркорлар энергетика, кимё саноати, фармацевтика ва тиббиёт технологиялари, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, қурилиш материаллари, машинасозлик, асбобсозлик ва электротехника соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга келишиб олдилар.

Боз устига ҳудудлараро ҳамкорлик ривожланаётгани, жумладан, Бухоро вилояти ва Ҳамадон устони, Самарқанд ва Исфахон шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилаётгани, пойтахтлараро мунтазам авиақатновларнинг кўпайиши ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро сайёҳлар оқимининг ошишига хизмат қилади.

Бошқа томондан Эроннинг географик жойлашуви муҳим бўлиб, у Ўрта Осиёни Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Кавказ ва Европа билан боғлайдиган йўллар чорраҳасида жойлашган. Ушбу давлат орқали денгиз бандаргоҳларига чиқиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Яқин келажакда янги темир йўл тармоқлари қурилиши натижасида мамлакатимизнинг Эрон бандаргоҳларига ва шу тариқа очиқ денгизга чиқиш имкониятлари вужудга келади.

Икки давлат раҳбарлари бу масалага катта эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Шу боис транспорт йўлакларини фаоллаштириш, жумладан, Ўзбекистоннинг Эронга қарашли Жанубий ва Шимолий бандаргоҳларга чиқишини таъминлаш музокараларнинг асосий мавзуларидан бўлди. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини янада ривожлантириш, юк ташувлари ҳажмини кескин ошириш мақсадида Эрон — Ўзбекистон қўшма логистика марказини барпо этиш, қолаверса, Чобаҳор ва Бандар-Аббос портлари ҳудудида ўзбек тадбиркорлари иштирокида терминаллар ҳамда омборларни қуришга келишиб олингани ҳар икки томон учун ҳам манфаатлидир. Эрон ва қўшни Ҳиндистон Ўзбекистонга Чобаҳор портида бирга фойдаланиш мақсадида порт терминалларидан бирини сотиб олиш таклифини берди. Мутахассислар бу таклифни истиқболли лойиҳа дейишяпти. Зеро, денгиз йўли инфратузилмасига эга бўлгач мамлакатимиз нафақат хорижий давлатлар билан савдо айланмасини яхшилай олади, айни чоғда экспорт-импорт амалиётидан салмоқли даромад кўриш имконига ҳам эга бўлади.

Ўзбекистон ва Эрон ўзаро алоқаларда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, икки мамлакат қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида фаол ва конструктив ҳамкорлик ўрнатган. Бунда шериклик турли даражадаги делегациялар алмашинуви, мунтазам маслаҳатлашув ўтказилиши, уюшган жиноятчилик, экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик моддалари тарқалишига қарши курашга масъул ташкилотлар, шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик кўринишида амалга ошмоқда. Бундан ташқари, БМТ, ИҲТ, ШҲТ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам яқин алоқа йўлга қўйилган.

2

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

МИЛЛИЙ САЙЛОВ АМАЛИЁТИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ҳисобланади. Чунки бу давлат раҳбари — Президентни сайлаш билан боғлиқ ўта масъулиятли жараён.

Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши давлат раҳбари лавозимига энг муносиб номзодни сайлаш ҳамда бу жараёнда сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни демократик тарзда очиқ ва ошкора ўтказиш билан боғлиқ масалалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов амалиёти ва халқаро сайлов меъёрларига мос равишда қабул қилинган сайлов қонунчилиги асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик ҳужжатлари тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг қарорларидан иборат. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий асослари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, 2023 йил 30 апрель куни мамлакатимиз ҳаётида том маънода улкан тарихий-сиёсий воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта умумхалқ референдумида халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши асосида фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинди.

Янгиланган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, биринчидан, инсон ҳуқуқ, мажбуриятлари ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлаш, иккинчидан, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг институтлари фаолияти учун зарур барча шароитни яратиш, учинчидан, самарали давлат бошқаруви тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тамойил ва механизмлар белгиланди.

Янгиланган Конституциямиздаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ қоида-талаблар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш орқали мамлакат раҳбари бевосита сайловчилар томонидан сайланади, иккинчидан, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг тобора ривожланиши асосида сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантиришдаги фаолиятини кафолатлайди, учинчидан, сайлов ҳуқуқи тамойиллари ва муддатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мустақил сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилиши таъминланади.

Шунингдек, Конституциямизнинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкинлиги, шунингдек, жамиятнинг биронбир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас, деб белгиланган.

Ушбу норма Президентлик сайловининг давлат тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқи ҳамда эркинликларини кафолатлашдаги аҳамияти билан боғлиқдир.

4

Ҳамкорлик

«ҲАМДЎСТЛИК БОЛАЛАРИ» МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФОРУМИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон МДҲга аъзо давлатларнинг "Ҳамдўстлик болалари" саккизинчи халқаро маданий-маърифий форумига мезбонлик қилмоқда.

МДҲга аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг гуманитар ҳамкорлик бўйича Давлатлараро жамғармаси кўмагида ташкил этилган форум Тошкент вилоятидаги "Семурғ" соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилаётир.

"Ҳамдўстлик болалари: замонлар ва авлодлар ўртасидаги узвий боғлиқлик" шиори остида уюштирилган форумда Арманистон, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон томонидан 14 — 17 ёш доирасидаги 10 нафардан мактаб ўқувчилари ва уларнинг устозлари қатнашяпти.

Кеча тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган форум иштирокчиларига Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева қутлов йўллади.

— Мазкур нуфузли халқаро маданий-маърифий форум Ўзбекистонда илк бор ўтказилмоқда. Бу эса зиммамизга катта масъулият юклайди, — деди Сенат Раиси. — Биз ёшларнинг жамият, давлат ривожига қўшаётган ҳиссасини доимо қадрлаймиз ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. "Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!" эзгу ташаббусини ҳаётга татбиқ этиш орқали фаол ёшларни миллий парламент фаолиятига кенг жалб қиляпмиз. Форум доирасида Ёшлар парламенти аъзолари билан бевосита мулоқот ўтказишни ҳам режалаштирганмиз. Ишонамизки, бундай мулоқот янги ташаббус ва лойиҳаларни илгари суриш имконини беради. Бу йилги форум "Замонлар ва авлодлар ўртасидаги узвий боғлиқлик" деб номланиши бежиз эмас. Зеро, айнан сиз тенгдошларингизни жипслаштириб, кўп асрлар давомида мавжуд бўлган илм-фан, маърифат ва эзгулик ғояларини бойитиб, улкан бунёдкорлик ишларига қўл урасиз.

Ўз навбатида, иштирокчиларни Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Кенгаши раиси Н. Кочанова ҳамда МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси Бош котиби — Кенгаш котибияти раҳбари Д. Кобицкий ҳам табриклади.

Тадбирнинг тантанали очилиши маросими ижодий жамоалар чиқишлари билан давом эттирилди.

Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган форумнинг ҳар бир куни муайян давлат маданияти ва тарихига бағишланмоқда. 29 июнга қадар давом этадиган лойиҳада ёшлар спорт ўйинлари, саёҳатлар, баҳслар, ижодий семинарлар, квестлар, мусиқий флеш-мобларда қатнашади. Суҳбат-мунозаралар давомида болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экология, халқаро ҳамкорлик, маданият ҳамда туризм билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Тадбирнинг биринчи кунида Ўзбекистон делегацияси тақдимоти ўтказилди. Унда иштирокчилар бетакрор қадриятларимиз, миллий анъаналаримизни ўзида мужассамлаган ҳунармандчилик ва санъат намуналари, таомларимиз билан яқиндан танишди. Айни чоғда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти вакиллари билан жонли мулоқот ташкиллаштирилди.

Шунингдек, форум қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносига ташриф буюриб, парламент аъзолари билан учрашади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

22 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг қирқ иккинчи мажлисида дастлаб "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланишича, бугунги кунга қадар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш қонун билан эмас, балки Адлия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган низом асосида тартибга солинган. Бу эса қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий бўшлиқларнинг юзага келишига замин яратмоқда.

Мазкур қонун соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ва уни тартибга солувчи ягона қонун сифатида ишлаб чиқилган. Қонун билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг асосий принципларини белгиланмоқда.

Эндиликда коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш нафақат Адлия вазирлиги томонидан, балки Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, юридик хизмат ходимлари ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш ҳуқуқи берилмоқда.

2

АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Янги таҳрирдаги Конституциямиз талабларига мувофиқ демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат барпо этар эканмиз, ушбу жараёнда мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли офатлар, ёнғинлар ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳал этувчи соҳалардан бири бўлиб қолаверади.

Мулоҳаза

Шу боис 2017 йилда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилган ислоҳотлар мамлакатимизни келгуси беш йилда ривожлантиришга қаратилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, 2017 — 2021 йилларда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида тубдан янгиланиш ва такомиллаштириш сиёсати амалга оширилди. Яъни вазирлик тизимига Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари, Ёнғин хавфсизлиги институти ҳамда Мудофаа вазирлигининг Гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни бошқариш хизмати ўтказилди.

Соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Конституциявий Қонун, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўтган даврда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари устидан фуқаролик назоратини амалга оширишда парламентнинг роли ҳам ошди. Олий Мажлис палаталарида ҳамда уларнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталарида ФВДТ (Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими)ни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилиши устидан парламент назоратининг самарали механизми йўлга қўйилди.

Вазирлик раҳбариятини ўз зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижроси юзасидан парламентда эшитиш, "Ҳукумат соат"ларига таклиф этиш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Натижада Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари фаолиятининг очиқлиги таъминланди, уларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулияти ошди ва ўзаро ҳамкорлик кенгайди.

Асосийси, ушбу ҳамкорлик аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида кўрилаётган чоралар самарадорлигини оширишга, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш самарадорлиги, аввало, фавқулодда вазиятларга олдиндан тайёргарлик даражасига боғлиқ.

4

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 23 июнь

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР

1 Ўзбекистон ва Эрон бой илмий ҳамда маданий меросга эга. Мамлакатлар ўртасидаги тарихий ва маданий умумийлик айни босқичда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Фанлар академияси фондларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларни чуқур ўрганиш бўйича қўшма илмий гуруҳни тузиш тўғрисидаги қарор долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида эроншунослик кабинетлари ва форс тили кафедраларининг очилиши икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамда илмий алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашувига хизмат қиладиган янги қадамлардан. Эрон Ислом Республикаси Фан, тадқиқотлар ва технологиялар вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат олий таълим ва тадқиқотлар соҳасида янги имкониятларга йўл очади.

Айтиш жоизки, Эрон Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамда халқаро сиёсат соҳасидаги ёндашувини ўта мувозанатлашган, мантиқий ва ижобий, деб баҳолайди. Ўзбекистоннинг минтақа ҳамда дунё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик борасидаги сиёсатини, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ташаббусларини, айниқса, минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишида муҳим роль ўйнаётганлигини расмий Теҳрон доим эътироф этиб келади.

Шундай экан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳада истиқболли, дейишимиз учун асослар етарли. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Эрон Ислом Республикасига амалга оширган расмий ташрифи эса Форс кўрфазидаги бу мамлакат билан ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Аваззжон МАРАҲИМОВ,
Термиз давлат университети ректори,
профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА ХОРИЖИЙ МЕҲМОН СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Германиянинг Тюрингия федерал ерида ўн иккинчи “Burgfest” фестивали бўлиб ўтди.

Ҳар беш йилда бир маротаба ўтказиладиган ушбу анъанавий анжуман бу сафар 5 мингдан зиёд иштирокчиларни ўз атрофига жамлади. Штайнбах-Халленберг шаҳри мезбонлик қилган ушбу форумга Ўзбекистон ягона хорижлик меҳмон сифатида таклиф қилинди.

Унда юртимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси вакиллари томонидан намойиш этилди.

“Бирга — бир-биримиз учун” шиори остида бошланган фестивални шаҳар маъмурияти раҳбари Маркус Бёттчер кириш нутқи билан очар экан, фаол иштироки учун Ўзбекистон делегацияси аъзоларига миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, тадбирда Тюрингия федерал ери давлат котиби Карстен Феллер, Савдо-саноат палатаси президенти Торстенн Хоррман, Шмалькалден университети президенти Гюндольф Байер ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари ҳам ҳозир бўлишди.

Анжуман доирасида турли-туман маданий дастурлар намойиш этилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги батафсил маълумотлар жамланган тақдимот ўтказилди. Фестиваль иштирокчилари мамлакатимизда Европа юртлари сайёҳлари учун виза тизимининг бекор қилингани, сайёҳлик инфратузилмаси равнақи, диёримиз бўйлаб сайёҳлик йўналишлари ҳақидаги маълумотлардан воқиф бўлдилар. Бу ҳам мамлакатимизга борадиган сайёҳлар сонининг ортишига кўмаклашиши тайин.

Айниқса, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарлар ҳақидаги маълумотлар, ўзбек ҳунармандчилик маҳсулотлари тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Анжуман доирасида иштирокчилар ўзбек миллий ошхонаси неъматларидан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлди.

«Дунё» АА.
Берлин

ЮРТДОШИМИЗ — «ШҲТ ЭЗГУ НИЯТ ЭЛЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ СОҲИБИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Котибияти томонидан ташкилотнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросим ташкил этилди.

Унда ШҲТ бош котиби Чжан Мин, Бутунхитой халқ сиёсий маслаҳат кенгаши қўмитаси раисининг ўринбосари Шэн Юэюэ, Хитой ҳукуматининг Евроосиё масалалари бўйича махсус вакили Ли Хуэй, ШҲТ мамлакатлари элчилари ва Котибиятнинг доимий вакиллари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддиновга “ШҲТ Эзгу нияти элчиси” фахрий унвони тантанали равишда топширилди. Шунингдек, Хитой, Россия ва Тожикистон вакиллари ҳам шундай унвонга сазовор бўлдилар.

Маълумки, “ШҲТ Эзгу нияти элчиси” институти Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган.

Ушбу фахрий унвон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар фуқаролари орасидан маданият, санъат, адабиёт ва фан, мусиқа ҳамда спорт соҳаларидаги таниқли давлат арбоблари ва вакилларига тақдим этилади.

“ШҲТ Эзгу нияти элчиси” фахрий унвони ташкилотнинг мақсад, вазифа ва тамойилларини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида, минтақа ва бутун дунёда оммалаштиришга, ШҲТ фаолияти ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳисса қўшган инсонларга топширилади.

«Дунё» АА.
Пекин

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

1 Эътиборли жиҳати, жамоатчилик томонидан тақдим этилган таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий равишда кўриб чиқилади.

Коррупцияга қарши экспертизани ўтказишга оид фаолиятни услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мониторинг қилиш Адлия вазирлигига юклатилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонун мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга, шунингдек, амалдаги ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатининг ошишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасини ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини судларга мурожаат қилиш чоғида давлат божини тўлашдан озод этиш назарда тутилмоқда.

Амалдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 8, 9 ва 10-моддаларида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Бироқ Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорларига нисбатан бериладиган шикоятлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат божини тўлашдан озод қилинмаган деган важлар билан юқори инстанция судлари томонидан қайтарилиши ҳолатлари юзага келмоқда.

Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва маъмурий судларга даъво ариза, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилинганда давлат божидан озод этилиши назарда тутилмоқда.

Сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши давлат органларига судларга мурожаат этиш учун ажратилган давлат божи тўловидан тежалган маблағларни тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун йўналтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, “Ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш механизмлари янада такомиллаштирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ижро жараёнларини амалга оширишда аҳолига кенг қулайликлар яратилмоқда.

Амалга оширилган ишларга қарамасдан ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашда айрим камчиликлар сақланиб қолаётганлиги, ушбу соҳада тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Хусусан, ижро ҳужжати бўйича қарздор ундирилиши лозим бўлган қарздорликни ўз вақтида тўламаса, Мажбурий ижро бюроси томонидан қарздорга нисбатан маъмурий жарима қўлланилиши, ушбу жариманинг миқдори эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра фуқароларга нисбатан 300 минг сўмдан 1,5 миллион сўмгача, мансабдор шахсларга нисбатан 1,5 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача белгиланиши мумкинлиги қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Сенаторлар, агар қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган қарздорлик суммаси жариманинг энг кам миқдоридан ҳам кам бўлган бўлса-да, қарздорликка нисбатан юқори миқдордаги жарима тайинланиши ижтимоий адолат принципларининг бузилишига, бу эса қарздорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлигига ҳамда мазкур ҳолат табиий равишда фуқароларнинг тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартишлар киритилиб, бу бартараф этилмоқда.

Хусусан, қўлланиладиган жариманинг миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида норма киритилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198[1]-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга эндиликда Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочилари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига, ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун қарздорга нисбатан адолатли жарима тайинланишига, Мажбурий ижро бюроси тизимида суиистеъмолчиликларнинг ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олди олинишига, шунингдек, назорат кучайтирилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда республикамизда наркологик касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни нафақат наркология муассасаларининг, оила аъзоларининг (қариндошларининг) илтимосномаларига асосан, балки ички ишлар органларининг ташаббусига кўра ҳам расмийлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

Шу муносабат билан мазкур қонунга ички ишлар органларига наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни расмийлаштириш ваколати берилишини, шунингдек, мазкур материалларни тайёрлаш тартиби белгиланишини назарда тутувчи тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Яна бир киритилаётган қўшимчалардан бири фуқароларнинг наркологик текширувдан ўтказилишини, маслаҳат берилишини, ташхис қўйилишини, наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг амбулатория ва стационар шароитларда даволанишини ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация қилинишини давлат кафолатлаши белгилаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари, наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш заруриятини аниқлаш билан боғлиқ барча клиник текширувлар наркология диспансерининг ўзида, зарур ҳолларда эса тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам ўтказилиши ҳақидаги норма киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш ташаббуси билан чиқадиган шахслар доирасини кенгайтиришга, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга ҳамда наркологик ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларининг самарали бошқарилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларининг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тизимли чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ҳисоб палатаси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, амалга оширилиадиган назорат тадбирларининг мақсадлари ва тартибини белгилаш, шунингдек, давлат харидлари соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда Ҳисоб палатасининг вазифаларини аниқлаштириш зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан ушбу қонунда Ҳисоб палатасига оз миқдорда талон-торож қилинганлиги ва давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат молиявий назорати органларига эса оз миқдорда талон-торож қилинганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Ҳисоб палатасининг ўз иш режалари, молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг веб-сайтига жойлаштиришга ҳамда жамоатчиликни ўз фаолияти ҳақида ҳар чоракда хабардор қилиб боришга доир мажбуриятларини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилиадиган назоратнинг шакллари ва турлари кенгайтирилиб, тафтиш, текшириш ва ўрганишга оид назорат тадбирларининг фарқли томонлари очиб берилган ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Ўз навбатида, Сенат аъзолари томонидан қонун муҳокамаси жараёнида киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ҳисоб палатасининг фаолиятини тўғри ташкил этиш, бюджет маблағлари устидан тизимли назорат ўрнатиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлиси биринчи кунида бир қатор долзарб масалалар кенг муҳокама қилинди.

Бу масалаларнинг долзарблиги ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида уларнинг аҳамияти хусусида сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.

Муносабат

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:

— Сир эмаски, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар марказида инсон ҳамда унинг ҳуқуқ ва манфаатлари туради. Албатта, ҳар бир масалага шу асосда ёндашилмоқда.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан диққатга сазовор.

Қонунга бўлган эҳтиёж ҳақида сўз кетганда, аввало, бугун наркологик касалликларга чалинганларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни нафақат наркология муассасаларининг ва оила аъзоларининг илтимосномаларига асосан, балки ички ишлар органлари ташаббусига кўра ҳам расмийлаштириш зарурати юзага келганлигини айтиш зарур.

Унинг муҳим янгилиги сифатида фуқаролар наркологик текширувдан ўтказилишини, маслаҳат берилишини, ташхис қўйилишини, наркологик касалликларга чалинган шахслар амбулатория ва стационар шароитларда даволанишини ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация қилинишини давлат кафолатлаши белгилаб қўйилаётганини келтириш мумкин. Айни чоғда наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш заруриятини аниқлаш билан боғлиқ клиник текширувлар наркология диспансерининг ўзида, зарур ҳолларда тегишли мутахассислар мавжуд бўлган бошқа тиббиёт муассасаларида ўтказилиши ҳақидаги норма ҳам мавжуд.

Ўйлаймизки, ушбу саъй-ҳаракатлар, пировардида соҳадаги муаммолар тизимли ҳал этилишида, энг муҳими, наркологик ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишда қўл келади.

Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Маълумки, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми сифатида суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш механизмларини янада такомиллаштириш, ижро жараёнларида аҳолига кенг қулайликлар яратиш чоралари кўриб келинмоқда. Шунга қарамасдан, ушбу масала билан боғлиқ қатор муаммо ва камчиликлар кузатилаётганини ҳам айтиш зарур.

Ялпи мажлисда маъқулланган “Ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун ушбу муаммоларнинг ечими сифатида ишлаб чиқилган.

Хўш, бу борада амалдаги ҳолат қандай? Агар ижро ҳужжати бўйича қарздор ундирилиши лозим бўлган қарздорликни ўз вақтида тўламаса, Мажбурий ижро бюроси томонидан унга нисбатан маъмурий жарима қўлланилиши, унинг эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра фуқароларга нисбатан 300 мингдан 1,5 миллион сўмгача, мансабдор шахсларга нисбатан 1,5 миллиондан 3 миллион сўмгача белгиланиши мумкинлиги қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу амалиётда яна қатор муаммоларни юзага чиқараётганди. Яъни ижтимоий адолат принциплари бузилиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди.

Шундан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўлланиладиган жарима миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида норма киритилмоқда. Айни чоғда мазкур кодекснинг 198[1]-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга эндиликда кимлар ҳақли экани аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Бу, пировард натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига, ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун қарздорга нисбатан адолатли жарима тайинланишига, Мажбурий ижро бюроси тизимида суиистеъмолчиликлар ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олди олинишига ёрдам беради.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Хабарингиз бор, мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларининг самарали бошқарилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан молиявий назорат тизимини такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатлари ижроси самарали ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тизимли чоралар кўриб келинмоқда. Аммо ҳозирги тезкор даврда шу билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Яъни давр шиддатига мос ҳолда янгиланишларни амалга оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Сенаторларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлган “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун замон талаби асосида ишлаб чиқилган. Унга биноан Ҳисоб палатасининг давлат харидлари борасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалари аниқлаштириб берилаётир.

Қонун билан Ҳисоб палатасига оз миқдорда талон-торож қилинганлиги ва давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат молиявий назорати органларига эса оз миқдорда талон-торож қилинганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколати тақдим этилмоқда. Қолаверса, ушбу муассасага ўз режалари, молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш натижаси тўғрисидаги маълумотларни веб-сайтига жойлаштириш ва жамоатчиликни бу ҳақида ҳар чоракда хабардор қилиб бориш мажбуриятлари юклатиляпти.

Бу қонун Ҳисоб палатасининг фаолиятини тўғри ташкил этиш, бюджет маблағлари устидан тизимли назорат ўрнатиш самарадорлигини ошириши билан ҳам эътиборга молик.

Санобар СУЯРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Амалдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг қатор моддаларида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, унинг ҳудудий органлари зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судлар кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинган. Аммо амалиётда мазкур қўмита томонидан биринчи инстанция судлари ҳал қилув қарорларига нисбатан бериладиган шикоятлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат божини тўлашдан озод қилинмаган деган важ билан юқори инстанция судлари томонидан қайтарилиши ҳолатлари кузатилаётганди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ана шу муаммога ечим ўлароқ ишлаб чиқилган.

Унда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини судга мурожаат қилиш чоғида давлат божини тўлашдан озод этиш назарда тутилмоқда.

Эндиликда юқорида номи кўрсатиб ўтилган ташкилотлар фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва маъмурий судларга даъво ариза, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Эътиборлиси, ушбу жараёнда тежалган маблағлар тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш мақсадларига йўналтирилади.

«Халқ сўзи».

ЭНГ МУҲИМ ВА ОҚИЛОНА ЕЧИМ — ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Минтақадаги экологик вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, яқин келажакда турли экологик хатарларга дуч келинишининг олдини олиш ва муносиб ҳимояланиш учун дунё аҳолиси биргаликда ҳамжиҳат ҳаракат қилмоғи зарур. Бунда ҳар бир давлат экологик барқарорликни таъминлаш борасида, аввало, ўзининг стратегик фаолиятини белгилаб олиб, изчил амалга оширишга киришиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли учун қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш йўналишида муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

*Номзод томонидан таклиф этилаётган аниқ йўналишлар бугунги экологик вазият ҳамда глобал миқёсдаги атроф-муҳит муаммолари ечими нуқтаи назаридан конструктив ечимларни ифодалайди. Мамлакатимизда яшаётган **ҳар бир инсоннинг қулай атроф-муҳит шароитларида яшаш ҳуқуқи**ни таъминлаш учун давлат томонидан қўйилиши керак бўлган аниқ қадамларни кўзда тутади.*

Қулай яшаш учун қулай атроф-муҳит зарур

Миллат генофондининг тоза ва соғлом бўлиши, соғлом она ва соғлом бола тамойилига эришиш, хавфли экологик таъсирлар оқибатида юзага келадиган хасталикларнинг олдини олиш, қисқача айтганда, соғлом ва фаровон келажак орзуси ҳам бевосита барқарор экологик вазият билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигида турли зарарли кимёвий таркиблардан холи бўлган **табиий тоза маҳсулотлар етиштириш**га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бунинг учун сув, тупроқ ва ўсимлик дунёси учун хавфсиз табиий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ғояси илгари суриляпти.

Қишлоқ хўжалигидаги маиший экинларни зараркунандалардан асраш мақсадида фойдаланиладиган заҳарли кимёвий воситалар борлиққа комплекс зарар келтириши илмий жиҳатдан ўз исботини топган, тажрибадан ўтган ҳодисадир. Илмий кузатишлар шундан далолат берадики, гени модификация қилинган маҳсулотлар, зарарли кимёвий воситалар **аҳолининг соғлом овқатланиш тарзи**га мутлақо тескари ҳолатдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаев табиатшунос, ботаник ва биолог олимлар корпусини шакллантирган ҳолда, аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлашда, биринчи навбатда, табиий тоза маҳсулотлар билан озиқланиш дастури ҳаётга жорий этилиши тарафдоридир.

Ҳозирги вақтда маиший чиқиндиларнинг қарийб **15 — 20 фоизи**, катта шаҳарларда эса **30 — 35 фоиз**гача қисми озиқ-овқат маҳсулотларининг қадоқланиши оқибатда юзага келаётган чиқиндилар ҳисобига тўғри келиши ҳам масаланинг нақадар жиддийлигидан далолатдир. Деярли **90 фоиз** қисми пластмасса ёки полиэтилен маҳсулотлар бўлган бундай чиқиндиларнинг табиий чириш эҳтимоли жуда кам ва узоқ вақтни талаб қилади. Бундай чиқинди маҳсулотларини қайта ишлаш борасида эса қамровли тизим тўла яратилганича йўқ.

Чиқиндилар хавфсиз қайта ишланади

Номзоднинг сайловолди дастурий мақсадларидан бири **саноат корхоналари чиқиндилари ва қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш** орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг нақадар долзарб экани қуйидаги рақамларда ҳам яққол кўринади: мамлакатимизда саноат корхоналарида йилига ўртача **115 — 120 миллион тонна** саноат чиқиндилари ҳосил бўлмоқда ва ҳозирги вақтда полигонларда **3,5 миллиард тонна**га яқин айни шу турдаги чиқиндилар йиғилиб қолган.

Сайловолди дастурида мазкур ўткир экологик муаммога ечим сифатида бундай турдаги **чиқиндиларни хавфсиз олиб чиқиб кетиш бўйича техник воситалар билан жиҳозлаш талабларини кучайтириш** таклиф этилмоқда.

Чиқиндилар билан боғлиқ муаммони ечишнинг хорижда синалган усул ва механизмлари бор. Асосийси — чиқиндини қайта ишлаш. Бу эса чиқиндини саралаш масаласига бориб тақалади.

Сўнгги йилларда соҳани тартибга солишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида чиқинди ташланадиган жойлар анча тартибга солинди. Лекин ҳали қилиниши керак бўлган ишлар бисёр. Мисол учун, Европада бу масала билан ўтган асрнинг 80-йилларидан жиддий шуғулланишга киришилган. Германия бугун маиший чиқиндиларнинг **70 фоизи**ни қайта ишлайди. Японияда эса бу кўрсаткич **90 фоиз**ни ташкил қилади.

Бу давлатларда иккиламчи қайта ишлаш саноати ўнлаб миллиард доллар молия воситалари айланмасига эга бўлган катта бизнесга айланиб улгурган. Хитой импортида четдан келтирилаётган чиқинди ҳажми ошиб бораётгани ҳам шундан.

Сайловолди дастурида чиқиндилар билан боғлиқ яна бир муаммога ечим таклиф этиляпти. Унга кўра, мамлакатда полиэтилен, полиамид таркибли қадоқлаш маҳсулотлари, **бир марталик ишлатиладиган пластик ва бошқа идишлардан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечиш**га ўтилади.

Хавфли чиқиндилар, тиббиёт ва биологик ҳамда қурилиш чиқиндиларини бошқариш ва қайта ишлашни тартибга солувчи ҳамда атроф-муҳитга зарар етказувчи қадоқлаш материаллари ва товарларга экологик йиғимнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб берувчи **“Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун янги таҳрир**да қабул қилинади. Шу билан бирга, юртимизда ишлаб чиқариладиган айрим товарлар ва қадоқлаш воситаларига экологик йиғим жорий этиш юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш керак. Яъни бирор корхона фаолияти табиатга зарар етказяптими, демак, у компенсация тўлаши керак. Бу билан табиатга етказилган зарарни қоплашда **“ифлослантирувчи тўлайди”** тамойили амалда татбиқ этилишига эришиш муҳим.

Табиий мувозанатнинг ноёб занжири

Биохилмахиллик ва экотизим мувозанати она табиатдаги ноёб барқарорликни сақлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Айни вақтда биологик хилмахиллик мамлакатимизда иқтисодий, эстетик, соғлиқни сақлашга оид ва маданий фаровонликнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Табиатимиз биологик хилмахиллиги бой бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг **27 минг**дан ортиқ турларини ўз ичига олади. Улар орасида умуртқасиз ҳайвонларнинг **14 минг 900 тури**, умуртқали ҳайвонларнинг эса **715 тури** учрайди. Шунингдек, **11 минг** турдаги ўсимликлар, қўзиқоринлар, сув ўтлари бор. Бундан ташқари, юқори ёввойи ўсимликларнинг **4300 тури** бўлиб, улардан **8 фоизи** эндемик турлардир.

Бугун айрим ноёб турлар ва экологик тизимлар йўқ бўлиб кетиш хавфи остида. Жумладан, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси объектларининг яшаш муҳитига антропоген таъсир натижасида у ердаги **ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари тури қисқариб** бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига **ҳайвонот дунёси**нинг **206** ва **ўсимлик дунёси**нинг **314** турлари киритилган.

Номзоднинг Сайловолди дастурида бу каби муаммоларни бартараф этиш йўллари таклиф этилмоқда. Дастурга кўра, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва сувли акваториясида уларнинг **мақсадли вазифаларига зид бўлган ҳар қандай фаолиятга чек қўйилади**. Камёб ва кескин камайиш хавфи остида турган **ҳайвонларни овлаш ва ўсимлик турларини табиатдан ажратиб олишга 10 йиллик мораторий** эълон қилинади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида ҳалигача тўла ва тизимли маълумотлар базаси шакллантирилмаган. Шу боис **геоахборот технологиялари** асосида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ҳисобга олиш долзарб аҳамият касб этади. Бу йўналишда **доимий мониторинг** юритилади ҳамда давлат ва жамоатчилик назорати кучайтирилади. Биохилмахилликнинг муҳим манбаи бўлган ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш орқали республика ҳудудининг **ўрмон билан қопланганлик даражасини 30 фоизга етказиш** чоралари кўрилади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш

Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида табиатнинг бебаҳо неъмати бўлган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар ечими юзасидан ҳам аниқ таклифлар илгари сурилмоқда.

Аҳолининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, янги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш объектларининг ишга туширилаётгани, тураржойлар кенгаётгани **сувга бўлган табиий эҳтиёжнинг ҳам мувофиқ равишда ўсиб боришини** кўрсатмоқда. Мавжуд вазият **ичимлик сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш механизмини яратиш**ни кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида олдимизга қўймоқда.

Кейинги йилларда кузатилган иқлим ўзгаришлари, йилнинг кутилганидан кўра қурғоқчил келиши, дарёлар сатҳининг пасайиши каби бир қатор омиллар **ичимлик суви таъминотида янги муаммолар** билан тўқнаш келишимизга сабаб бўлди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида **сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар** олиб бориш таклиф этилмоқда. Бу қандай амалга оширилади?

Биринчи навбатда, аҳолининг барча қатламида, ёшу кексада сувдан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш, уни исроф қилмаслик, ҳар қатра сувда келажак авлодлар ҳақи борлигини чуқур англаш, уни фақатгина маблағ эвазига сотиб олинадиган моддий ресурс сифатида қарамаслик борасида самарали тизим яратилиши керак. Буни, аввало, ҳар бир фарзанд, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, умуман, аҳолимизнинг ҳар бир вакилига чин моҳияти билан етказиб беришга қаратилган **платформани яратиб, кундалик ҳаётга татбиқ қилиш** кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасидандир.

Сув ресурслари тақсимотида қатъий **лимит тизими**, сувни тежайдиган ва **рақамли технологиялар** тўлиқ жорий қилинмагани ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга тўсиқ бўлиб келяпти. Номзоднинг Сайловолди дастурида **сув таъминотида бозор механизмларини жорий этиш**, лойиҳа ташаббускорининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, **сув ҳисоблагичлар ўрнатиш чора-тадбирларини амалга ошириш**га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хорижий мутахассисларнинг кузатишларига кўра, яна **20 — 30 йилдан** кейин инсоният ичимлик суви таъминотида катта муаммоларга дуч келиши мумкин. Ҳозирда дунёда рўй бераётган ичимлик суви муаммолари бу тахминларда асос борлигини кўрсатмоқда.

Сув ресурслари истеъмолида **яна бир муҳим жиҳат**ни алоҳида таъкидлаш керак. Эндиликда **сувни қайта ишлаш ва ундан иккиламчи маҳсулот сифатида фойдаланиш** ишлари самарали йўлга қўйилиши зарур. Жумладан, **автотранспорт воситаларини ювиш шохобчалари** учун сувдан фойдаланиш шартлари **қайта кўриб чиқилади**, уларнинг ҳар бирига фойдаланилган сувни қайта ишлаш ҳамда сувдан такроран фойдаланиш тизими жорий этилади.

Ҳудудлардаги оқова сувларни тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ҳамда янгиларини қуриш чораларини кўриш зарур. Бугунги кунда пойтахтда, айрим йирик шаҳарларда баъзи бир сув иншоотлари ҳамда корхоналардан доимий равишда бадбўй ҳид чиқаётгани одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётгани бор гап.

Бу ўткир муаммо ечими ҳам Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида ўз ифодасини топган: келгусида аҳоли яшаш пунктларида **бадбўй ҳид чиқараётган**, локал оқова сув тозалаш иншоотлари бўлмаган ҳар қандай корхона фаолиятини **белгиланган талабларга жавоб берадиган технологиялар жорий этилмагунча тўхтатиш зарур!**

Кундалик фаолиятимиз давомида юқорида санаб ўтилган эҳтиёжлар учун тоза ичимлик суви эмас, қайта ишланган иккиламчи суви ресурслари жалб қилинадиган бўлса, ҳозирда истеъмол қилинаётган умумий тоза ичимлик суви миқдорини қарийб **20 фоизга тежаш** имконига эга бўлиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда **сув тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш** орқали уларнинг улушини умумий суғориладиган майдонларга нисбатан ҳозирги **16 фоиздан 30 фоизга** етказилади, шунингдек, тежамкор технологияларни жорий қилишни давлат томонидан рағбатлантириш тизими янада такомиллаштирилади.

Иқлим ўзгаришларига мослашиш ва Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш

Жорий йилнинг 30 апрель куни халқимизнинг хоҳиш-иродаси — умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида Оролбўйи ҳудудидаги экологик ҳолат билан боғлиқ алоҳида норма мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши белгиланди.

Ушбу долзарб масала Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида алоҳида йўналиш сифатида акс этган.

Бутун дунёда глобал иқлим ўзгариши бўйича вазият жиддийлигича қолмоқда. Дунё экспертларининг фикрига кўра, **2050 йил**га бориб, **глобал исиш жараёнлари** янада жадаллашиши ва ҳарорат ҳозиргига нисбатан **2-3 даражага исиши** башорат қилинмоқда.

Мутахассислар Орол денгизи фалокати натижасида **Марказий Осиёда иқлим ўзгариши** дунё кўрсаткичларидан **2 баробар** жадалроқ кечаётганини таъкидламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатларида Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ ҳолатлар аҳоли соғлиғига янада кўпроқ таъсир ўтказиши таъкидланяпти. Бу борада тезкор чоралар кўрилмаса, келгусида глобал тусдаги муаммолар бундан-да аянчли тус олиши мумкин.

Иқлим ўзгариши натижасида қор қоплами қисқармоқда, бўғланиш кучаймоқда. Қурғоқчиликнинг тез-тез такрорланиши ва жадаллигининг кучайиши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш барқарорлигини бузиши ва **озиқ-овқат хавфсизлиги**га зарар етказиши мумкин. Ёз давридаги жазирама, баҳорда тошқинлар ва селлар, қишда кўчкилар аҳоли ҳудудлари ва муҳим инфратузилмага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Амударё қуйи оқимидаги ҳудудлар сув танқислиги ва чанг бўронларидан кўпроқ азият чекмоқда.

Ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, **2050 йилга** бориб, **маккажўхори, гуруч ва буғдой етиштириш ҳажми 25 фоизгача қисқариши** башорат қилинмоқда. Беқарор иқлим шароити, ихтиёрдаги сувнинг етишмаслиги ва аҳолининг ўсиши биргаликда ривожланишнинг ушбу модели ва мамлакат ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашининг ҳозирги даражасини ўзининг ресурслари асосида сақлаб қолиш имкониятига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас. Муаммо **тезлашиб бораётган шўрланиш** ва суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги пасайиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги ҳосилининг 90 фоизидан ортиғи суғориладиган ерлардан олинар экан, вазиятга мувофиқ чоралар кўриш кун тартибига чиқмоқда.

Шунинг учун ҳам номзоднинг Сайловолди дастурига кўра, тупроқнинг унумдор қатлами бузилиши билан боғлиқ жараёнларда, кейинчалик ерни биологик рекультивациялаш ёки унумдорлиги паст ерларда фойдаланиш учун тупроқнинг унумдор қатлами олиниши, сақланиши борасида давлат ва жамоатчилик назорати кучайтирилади. Ерларни тупроқ ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш, деградация, чўлланишдан сақлаш мақсадида биомелиоратив тадбирларни кенгайтириш, ихтозорлар барпо этиш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Ҳар йили **100 миллион** тонна қум ва туз ҳавога кўтарилмоқда. Бу эса Орол ҳалокати глобал муаммо эканини яна бир бор исботламоқда. Орол денгизининг сувсиз қолган ерларида **яшил ўрмонлар барпо этиш**ни давлат сиёсати даражасидаги вазифа қилиб белгилаш фурсати етди.

Оролбўйи минтақасига **экологик инновация ва технологияларни татбиқ этиш** ишларини кучайтириш орқали аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб яшаш шароитларини яратиш мумкин. Бу ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ҳам жиддий тарзда яхшилайди. Нафақат Нукус, Бухоро, Урганч, Хива, Навоий, Мўйноқ каби аҳоли яшаш пунктлари атрофида, балки аҳолиси **5000 нафар**дан ортиқ бўлган гавжум аҳоли пунктларининг ҳар бирида **“яшил белбоғлар”** барпо этиш ишлари янада жадаллаштирилади. Мазкур ҳудудлардаги яшил истироҳат боғлари майдонлари кенгайтирилади. Аждодларимиз эъзозлаган садақайрағоч, чинор, терак каби серсоя дарахтлар кўпайтирилади. Ҳар бир хонадон ҳовлиси ва уйи олдида ана шу фойдали дарахтларни экиш, парваришлаш ва ўстиришнинг самарали тизими яратилади.

Ҳозирда ташкил қилинган **Миллий табиат боғлари**ни ривожлантиришга янада жиддий эътибор қаратилади. Шаҳар ва туман марказлари, шунингдек, аҳоли гавжум қишлоқларда **жамоат боғлари, яшил майдонлар** барпо этиш учун субсидиялар ажратилади.

Бундай хайрли ишга, биринчи навбатда, фермерлар, ботаник-олимлар ва боғдорчилик мутахассислари жалб қилинади. Ҳар бир **маҳалла фуқаролар йиғини қошида табиат ва атроф-муҳит экологияси нозири лавозими** жорий қилинади. Бу эса бажарилаётган ишлар самарадорлигини таъминлайди. Одамларда экологик маданият ва экологик таҳдидларга қарши кураш ҳисси ҳам кучаяди.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган сувботқоқ ҳудудлар рўйхатига киритилган Айдар-Арнасой кўллар тизими, **“Денгизкўл”, “Қуйимазор”, “Тўдакўл”, “Судочье-Акпетке”** сув омборлари экотизимларининг муҳофаза қилинишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Бундай ишлар самараси ўлароқ юртимиз янада гўзаллашиб, сўлим ва яшил маконга айлантирилади. Натижада мамлакатимизда экотуризм жадал ривожланиши учун муҳим омиллар вужудга келади. Сув ҳавзалари ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бойитилиши сайёҳлар қизиқишини орттириши, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, **иқлим ўзгаришлари ва экологик инқирозларга қарши курашиш** бирон-бир мамлакатнинг яхлит ўзигагина тегишли бўлган муаммо эмас. Бу борада “бирлашган ўзар” деган қадимий туркий ҳикматга амал қилиш жуда ўринли.

Барчамизга яхши маълумки, Марказий Осиёдаги Амударё ва Сирдарё сув ҳавзалари трансчегаравий дарёлар саналади. Сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратларни юмшатиш сиёсати туфайли Марказий Осиёда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини барқарор сақлаб қолиш муҳим вазифаларимиздан бири саналади. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва анъаналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирлари ва таҳдидларига қарши кураш ва муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқишда, албатта, **қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик**ни давом эттирамиз. Айниқса, Туркманистон ва Қозоғистон Республикалари билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати рўй берган ҳудудларда экотизимни қайта тиклаш, қум ва туз бўронларидан ҳимояловчи яшил ихотазорлар барпо этиш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича аниқ дастур ва режалар асосида халқаро аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилади. Ҳудудда иш ўринлари, қулай ва яхши турмуш шароитлари яратиш бош мақсадимизга айланган.

Халқимизда “қарс — икки қўлдан”, деган нақл ҳамжиҳатлик, муштаракликка даъват қилиш мақсадида айтилиб келинади. Биз олдимизга қанчалик улуғвор ҳамда эзгу мақсадларни қўймайлик, уларни амалга оширишда, албатта, юрагида ўти бор шижоатли азиз элдошларимиз ҳамкорлигига таянамиз. Ҳар қандай эзгу ишнинг бош ижодкори халқимиз саналади. Ҳамжиҳат ва аҳил халқ иродаси ҳар қандай оғир муаммоларни ҳам бартараф қилиб келгани ўтмиш сабоқларидан бизга яхши маълум.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурига киритилган ушбу муҳим йўналишлар халқимиз манфаатлари ва мамлакатимиз “яшил” тараққиёти учун хизмат қилади. Буни фаол қўллаб-қувватлаш учун партиямиздан Президентликка номзодга овоз беринг!

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУШУКУР ҲАМЗАЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 23 июнь

МИЛЛИЙ САЙЛОВ АМАЛИЁТИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

1 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг 74-моддасида сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалаши ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиши билан боғлиқ норманинг белгиланиши уларнинг сайлов жараёнидаги конституциявий мақомини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақоми Конституциянинг 105-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини таъминлашда Ўзбекистон халқи номидан иш олиб борувчи мансабдор шахс сифатида давлат раҳбарлигига номзодлар учун тегишли талаблар Конституция даражасида мустаҳкамланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон худудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-боби "Сайлов тизими"га бағишланган бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизимига оид муҳим тамойил ва нормаларни белгилайди. Хусусан, Конституциямизнинг 128-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган, деб мустаҳкамланган.

Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли эканлиги белгилаб ўтилган. Бундан ташқари, ушбу моддада сайлов ҳуқуқининг муҳим принциплари мустаҳкамланган бўлиб, сайлов жараёнларини халқаро сайлов стандартлари асосида очиқ-ошкора ва демократик тарзда ўтказишга имкон беради.

Шунингдек, Конституциямизнинг 129-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади, деб мустаҳкамланган.

Хўш, сайлов ҳуқуқи принципларининг мазмун-моҳияти нималарда намоён бўлади? Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Умумий сайлов ҳуқуқи. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2-моддасига мувофиқ ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, ушбу декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур, деб белгиланган. Шунингдек, мазкур декларациянинг 21-моддасида халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим. Бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу принципнинг моҳияти сайловларнинг умумийлигини, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалигини, шунингдек, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгалигини англатади.

Тенг сайлов ҳуқуқи. Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларидаги яхши амалиёт кодексининг 2.1 бандига мувофиқ "... ҳар бир сайловчи принципиал жиҳатдан битта овозга эга" эканлиги белгиланган. Мазкур принцип сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлишини, овозлар тенглигини англатади. Яъни овозларни санашда битта сайловчининг овози бошқаси билан тенглигини, бирорта овоз бошқасидан устун эмаслигини ифодалайди.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига мувофиқ "Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга" эканлиги назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролар томонидан бевосита сайланади. Бу принцип сайловчининг бевосита шахсан ўзи, яъни бирон-бир вакилсиз, тўғридан-тўғри ўзи овоз беришини англатади. Бир кишининг номидан бошқаси овоз бериши ушбу принципга зид ҳисобланади.

Яширин овоз бериш ҳуқуқи. 1990 йил 29 июнда қабул қилинган ЕХҲТнинг инсоний ўлчовлар бўйича конференциясининг Копенгаген йиғилиши ҳужжатининг 5.1. бандида "Яширин овоз бериш йўли билан ёки унга тенглаштирилган эркин овоз бериш тартибида, амалда сайловчиларнинг ўз вакилларини танлашда ўз фикрини эркин ифода этишини таъминлайдиган шароитларда ўтказиладиган эркин сайловларни ташкил этиш" назарда тутилган. Ушбу принцип мазмунига кўра, сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

Умуман олганда, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сайлов қонунчилиги тизими шаклланган бўлиб, сайлов қонунчилиги миллий сайлов амалиёти ва халқаро сайлов стандартлари асосида такомиллашиб бормоқда. Қолаверса, сайлов кампаниясининг демократик сайлов тамойиллари асосида очиқ ва ошкора ўтказилишини кафолатлайди.

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори.

АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

1 Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш вазирлик тизимида қутқарув тузилмаларининг касбий тайёргарлигини ошириш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари раҳбар ва масъул ходимларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш, ФВДТга кирувчи хизматлар шахсий таркиби, куч воситалари ҳамда аҳолининг ушбу соҳага оид билим ва малакаларини мустаҳкамлаш тадбирлари орқали амалга оширилади.

Вазирлик тизимида ўтказиладиган махсус-тактик, қўмондонлик-штаб ўқув машқлари кенг аҳоли қатламларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрласа, "Ёш қутқарувчи" мусобақаси ёшлар орасидан келгусида қутқарувчиликка муносибларни саралаб олишга замин яратади. Қутқарувчилар кўпкураш мусобақаси, ёнғин-қутқарув амалий спорти бўйича чемпионатлар соҳада фаолият юритиб келаётган қутқарув тузилмалари вакилларининг касбий тайёргарлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, вазирлик, идора ва муассасаларда ўтказиладиган "Фуқаро муҳофазаси куни" тадбирлари ишчи-ходимлар, ўқувчи ва талабаларни аҳоли ҳамда ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга мунтазам равишда тайёрлайди.

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳузуридаги Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказлари, Самарқанд шаҳридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази ҳам аҳолини, ФВДТ вакилларини ва соҳа ходимларини фавқулодда вазиятларга тайёрлашда тизимли ишларни амалга ошириб боради.

Мониторинг ва прогноз

Ислоҳот ва янгиланишлар жараёнида Ўзбекистонда фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш, табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга олиб келувчи потенциал манбаларни барвақт аниқлаш бўйича тизимли кузатув ва назорат ташкил этилди.

Шунингдек, фавқулодда вазиятларга олиб келувчи хавфли жараён ва ҳодисаларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш маълумотларини тайёрлаш, вазирлик ва идораларарo фавқулодда вазиятларнинг юзага келганлиги ва иккиламчи оқибатлари тўғрисида автоматлаштирилган ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Фанлар академияси Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавф мониторинги республика тармоғи базасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сейсмопрогностик мониторинг маркази ташкил этилди. Натижада зилзиларни мониторинг қилиш, уларни ҳар томонлама таҳлил этиш, юз бериш хавфини аниқлаш имкони яратилди. Бу билан фавқулодда вазиятларнинг ривожланиш эҳтимоли ва кўламини олдиндан прогнозлаштириш орқали фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни белгилаш ва иккиламчи оқибатларини минималлаштириш имконияти яратилди.

Амалга оширилган тадбирлар самараси ўлароқ республика, вилоят ва туманлар даражасида табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлашнинг ягона тизими яратилди.

Кучли зилзиладан эрта огоҳлантириш тизимини ишга туширишнинг мақсадида уч йил давомида босқичма-босқич республика бўйича 200 та акселерометр ўрнатилади. Бу эса зилзила эпицентридан 50 км. узоқликда жойлашган аҳоли ва муҳим объектларни зилзиладан бир неча сониялар олдин огоҳлантириш имконини беради.

Республикамизнинг ғарбий ва жанубий ҳудудларида содир бўлаётган зилзиларни тўлиқ мониторинг қилиш мақсадида 2023 йилда 5 та янги сейсмик станция ишга туширилиб, ушбу ҳудудларда содир бўлаётган зилзиларни юқори аниқликда мониторинг қилиш имконияти яратилади.

Малакали кадрлар тайёрлаш тизими

Фавқулодда вазиятлар соҳасидаги натижадорлик малакали кадрлар сиёсати билан узвий боғлиқ. Ислоҳотлар даврида Ёнғин хавфсизлиги институти, Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази ҳамда Фуқаро муҳофазаси институти негизида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ташкил этилди. Шунга кўра, вазирлик тизимида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш механизми ишлаб чиқилди.

Академия ҳузурида илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиш орқали юқори малакали илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, ўқув жараёнини илм ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаш, иқтисодиёт тармоқлари объектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлар таркиби ва муҳандис-техник ходимларини ўқитиш, Шаҳрисабздаги "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейида ватанпарвар, миллий истиқлол ғояси ва хизмат бурчига содиқлик руҳида ҳар тарафлама камол топган ёшларни Академия учун номзодлар сифатида тайёрлаш, шунингдек, республикадаги бошқа таълим муассасаларига ўқувчи ва талабаларни фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларда ҳаракатланишга тайёрлашда методик ёрдам кўрсатиш бўйича яхлит таълим тизими яратилди.

Шаҳрисабздаги "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейида ўқувчи ёшларни, Академия ва унинг ҳузуридаги институтда курсантлар ва магистрларни, Самарқанд шаҳридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида ёнғин-қутқарувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, вазирлик тизими ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Россия Федерацияси Фуқаро муҳофазаси академиясига муваффақиятли имтиҳон топшириб, ушбу муассасаларда таҳсил олган ҳолда, касбий билим-малакаларини ошириб келмоқда.

Моддий-техника база такомили ва ижтимоий ҳимоя

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, туманлар, шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва ўта муҳим, давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин-портлаш хавфи юқори бўлган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини ишончли таъминлаш мақсадида, моддий-техник базани босқичма-босқич мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, 2017 — 2023 йилларда вазирлик бўлинмалари 5 турдаги 256 та ёнғин-қутқарув техникаси, 12 турдаги 199 та муҳандислик техникаси, 4 турдаги 7800 та ёнғин-қутқарув асбоб-анжоми, 4 турдаги 2653 та алоқа, хабар бериш воситаси билан босқичма-босқич жиҳозланди.

Шунингдек, аҳолига фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги тўғрисида тезкор хабар бериш тизимини модернизация қилиш ва автоматлаштириш масалалари устувор вазифалар сифатида белгиланган бўлиб, 15 тўплам қурилмалар харид қилинди ҳамда республика даражасидаги хабар беришнинг автоматлаштирилган тизими тўлиқ ишга туширилди. Айни чоғда, фавқулодда вазиятлар хавфи тўғрисида аҳолига ўз вақтида SMS-хабарлар етказиш йўлга қўйилди. Вазирлик тизимида 101 та бино ва иншоотни қуриш, 110 тасини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларига идоравий уй-жой

фонди ҳисобидан тураржойлар ажратилиши, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи мажбурий суғурта қилиниши, иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан бепул тиббий хизмат кўрсатилиши ва санаторий-курортда даволаниш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, вазирлик тизимидаги ёнғин-қутқарувчиларнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажариш муносабати билан соғлиғига зарар етган ёки улар вафот этган тақдирда, шу шахсларга ёки вафот этган шахснинг оиласига зарарнинг ўрни қопланиши, тартиби ва миқдори норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланди. Қолаверса, уларга имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи, тегишли рацион ва нормалар бўйича даволаш-профилактика ишларини амалга ошириш, озиқ-овқат берилиши ва бошқа ижтимоий муҳофаза кафолатланди.

Вазирлик шахсий таркибининг 215 нафари хизмат уйи, 1 мингдан зиёдроғи ипотека кредити ҳисобидан уй-жойлар билан таъминланди. Хизмат давомида соғлиғини йўқотган ва ҳалок бўлган 76 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик учун нафақа тайинланиб, 236 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун имтиёзли тавсияномалар берилди.

Экологик муҳофаза қандай бўлиши керак?

Бугунги кунда тобора глобаллашиб бораётган экологик омиллар ва ҳодисалар муҳофаза билан боғлиқ тадбирлар самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Шу маънода, Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида "яшил қоплама"лар барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ерларни ўзлаштириш, ер майдонларини томчилатиб суғориш тизимини яратиш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш ишларига ФВВ тизими шахсий таркиби ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусан, Оролбўйида қум кўчкиларини мустаҳкамлаш, ҳавога заҳарли аэрозол чанглари кўтарилишини камайтириш, чўл шароитига чидамли ва озуқа ўсимликлари кўчатларини етиштириш, денгизнинг қуриган қисмини дарахтзор ва бутазорларга айлантириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди.

2018 — 2022 йиллар давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўрмон хўжалиги агентлиги ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда Орол денгизининг суви қуриган тубида жами 1 млн. 769 минг гектар майдонда ўрмон-мелиорация ишлари амалга оширилди. Яъни 1 млн. 244 минг гектар майдонга авиация, 405 минг гектар майдонга махсус техникалар, 19,4 минг гектар майдонга дельта-план ёрдамида чўл ўсимликлари уруғлари, 90 минг гектар майдонга эса турли хил кўчатлар экилди.

Биргина жорий йилда Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида "Яшил қопламалар" ҳимоя ўрмонзорларини барпо қилиш бўйича жами 100 мингта режа қилиниб, амалда 127,8 фоизга бажарилди, уруғ тайёрлаш бўйича 380 тонна режа белгиланган ҳолда, амалда 541 тоннадан зиёд уруғ захираси яратилди.

Бундан ташқари, ислоҳотлар жараёнида аҳолига комплекс ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, фавқулодда вазиятлар ва бахтсиз ҳодисалардан муҳофазалаш, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича билимларни изчил ошириб бориш, амалий кўникмаларни ҳосил қилиш имконияти яратилди.

2022 йилда ёнғин-қутқарув бўлинмалари томонидан фавқулодда вазиятлар ва бахтсиз ҳодисаларни бартараф этишга 80 маротаба, ёнғинларни ўчиришга 10217 маротаба чиқишлар амалга оширилиб, жами 612 нафар фуқаронинг ҳаётини сақлаб қолишга ва қутқаришга эришилди. Қолаверса, салкам 409 миллиард сўмлик моддий бойликлар сақлаб қолинди.

Энг муҳими, 2022 йилда фавқулодда вазиятлар ва бахтсиз ҳодисаларда тезкор ҳаракат қилиш вақтлари 2017 йилдагига нисбатан 53,8 фоиз, ўртача 2,3 маротаба қисқарди. Шу жиҳатдан, кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар юртимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини ишлаб чиқишга замин яратди ва ҳозирда ушбу тизим изчил фаолият юритмоқда, десак, муболаға бўлмайди.

Умуман олганда, бугунги кунда жаҳонда ва мамлакатимизда содир бўлаётган турли ҳодисалар соҳадаги ҳар бир раҳбар ва масъул ходимдан зийраклик, талабчанлик, ҳушёрлик ва фидойиликни талаб қилади. Зотан, аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси барқарор тараққиёт омилидир.

Козимжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Ишчи гуруҳ йиғилиши

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан "Хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Хусусийлаштириш — иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириб, мулкдорлар кўпайишига йўл очади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда бу соҳада катта ишлар қилинмоқда. Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларининг қонуний асосларини такомиллаштириш, жумладан, ушбу жараёнларни очиқ ва ошкоралик, қонунийлик принциплари асосида амалга ошириш, харидорларнинг оммавий савдоларда иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратиш мақсадида мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1991 йилда қабул қилинган, — дейди депутат Жаҳонгир Абдурасулов. — Ҳозирги вақтга қадар ушбу қонунга бир неча бор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Бугунги кунда ундаги нормалар мамлакатимизда иқтисодий жараёнларни эркинлаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш ва хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳот талабларига жавоб бермайди.

Хусусан, хусусийлаштиришнинг усули ва шакли сифатида давлат мулки объектларини аукцион, танлов, биржа савдолари орқали сотиш жараёнлари очиб берилмаган. Ушбу жараёнларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш учун тегишли шартлар белгиланмаган. Шу билан бирга, хусусийлаштириш жараёнлари юзасидан тармоқ ва соҳалар бўйича қабул қилинган қарорлардан ташқари 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Бу эса амалиётда ноқулайлик келтириб чиқармоқда.

— Қонун лойиҳасида мамлакатимизда иқтисодий жараёнларни эркинлаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш ва хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган нормалар акс этмоқда, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси Руслан Бекчанов. — Шунингдек, хусусийлаштириш жараёнида бевосита иштирок этаётган шахсларни хусусийлаштириш субъектлари сифатида эътироф этиш, хусусийлаштиришда харидорлар бўлиши мумкин бўлмаган шахслар тоифаси аниқ белгиланмоқда.

Қўмита аъзоларининг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга, ушбу объектларга инвестицияларни жалб этишга, самарасиз фаолият кўрсатаётган давлат мулки объектлари негизида янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Реклама

RESPUBLIKA OLIMPIYA ZAXIRALARI TENNIS MAKTABI (ROZTM)

2012-2013-yillarda tug'ilgan, umumta'lim maktablarining 4-sinfini bitirgan, tennis bo'yicha tayyorlov guruhida kamida 3 yil shug'ullangan, shuningdek, 2011-2012-yillarda tug'ilgan, 5-sinfni bitirgan, respublika chempionatlari g'olibi va sovrindori bo'lgan hamda O'zbekiston tennis federatsiyasi reytingiga ega o'g'il va qiz bolalar qabuli e'lon qilinadi.

Hujjatlar 2023-yil 3-iyuldan 31-iyulga qadar quyidagi manzilda qabul qilinadi: 100125, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Yalang'och mavzesi, ROZTM.

Tanlov-test sinovlari 2023-yil 7-avgustdan boshlanadi.

To'liq ma'lumotni Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabidan olishingiz mumkin:

Respublika olimpiya zaxiralari tennis maktabi telefonlari: 71-208-94-96, 97-380-86-66.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 446 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6